



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2025 йил 15 март, № 53 (8948)

Шанба Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

## РОССИЯ БИЛАН ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙИШИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 март куни Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси Раиси Вячеслав Володинни қабул қилди. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг долзарб масалалари кўриб чиқилди.



Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг салом ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўтган йил май ойида Россия Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи чоғида эришилган келишув ва битимларнинг амалга оширилишини назорат қилиш мақсадида парламентлараро ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз етакчиси Парламентлараро комиссиянинг иккинчи йиғилишига пухта тайёргарлик кўриш ва уни Ўзбекистонда, икки мамлакат ҳудудларини кенг жалб этган ҳолда ўтказиш муҳимлигини таъкидлади.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг устувор лойиҳаларини, меҳнат миграцияси ва маданий-гуманитар алмашинув борасидаги қўшма дастурларни қўллаб-қувватлаш ва жадаллаштиришда парламентлар фаол иштирок этиши зарурлиги қайд этилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ИМОМ МОТУРИДИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1155 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Буюк ватандошимиз, исломий илмлар ривожига улкан ҳисса қўшган беназир аллома, калом илмининг султони Имом Абу Мансур Мотуридийнинг (кейинги ўринларда — Имом Мотуридий) ибратли ҳаёт йўли ва бой илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганишни рағбатлантириш, мотуридийлик таълимотига хос бағрикенглик ва мўътадиллик тамойилларини халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида қарор қиламан:

1. Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2025 йилда Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллигига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита (А. Арипов) икки ҳафта муддатда Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллигини алломанинг ислом оламидаги обрў-эътибори ва нуфузига муносиб тарзда юқори савияда нишонлаш бўйича кўйидагиларни назарда тутадиган чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин:

а) 2025 йил апрель ойида Самарқанд шаҳрида “Мотуридийлик — бағрикенглик, мўътадиллик ва маърифат таълимоти” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказиш; б) хорижий тадқиқотчилар ўртасида мотуридийлик таълимоти бўйича илмий танлов ўтказиш, ғолиблар иштирокида Ўзбекистонда маданий-маърифий учрашув ва семинар-тренинглар ташкил этиш;

в) Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” ва “Китоб ат-тавҳид” асарлари ва мотуридийлик таълимотида оид манбаларнинг ўзбек ва хорижий тиллардаги илмий-изоҳли академик таржималарини нашр этиш;

г) Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллигига бағишланган эсдалик сувенирларини муомалага чиқариш ҳамда почта маркалари, тақвимлар, буюк мутафаккирни ҳаёти ва илмий меросини ёритиб берадиган бошқа кўргазмаларни ахборот воситалари туркумини яратиш;

д) Имом Мотуридийнинг серкирра ҳаёт йўли ва илмий меросининг бугунги кундаги аҳамиятини очиб берадиган бадиий-публицистик фильм яратиш;

е) Самарқанд вилоятида Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти йўналишида фаолият олиб борган алломаларнинг ҳаёти, илмий ва ижодий меросига бағишланган асарларнинг нодир қўлёзма ва нашр нусхалари ҳамда китоблари кўргазмасини ташкил этиш;

ж) Самарқанд шаҳридаги Абу Мансур Мотуридий мажмуасини қайта тазмирлаш ва ободонлаштириш.

4. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги: а) Дин ишлари бўйича қўмита билан биргаликда 2025 йил май ва октябр ойларида Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетига Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Мотуридийлик таълимоти ва ҳозирги замон” мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ҳамда илмий мақолалар танловини ўтказсин;

б) мотуридийлик таълимотига мансуб алломаларнинг илмий мероси ва нобў қўлёзма асарларни ўрганиш бўйича Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган илмий тадқиқот ишларига давлат буюртмасини белгиланган тартибда шакллантириб боссин.

5. Ўзбекистон мусулмонлари идорасига имом-хатиблар ҳамда диний таълим муассасалари талабалари ўртасида “Мотуридийлик таълимоти билимдон” танловини ўтказиш ва ғолибларни муносиб тақдирлаш тавсия этилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси билан биргаликда 2025 йил давомийда жойларда Имом Мотуридийнинг илмий меросига бағишланган давра суҳбатларини ташкил этсин.

7. Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази Маънавий мерос агентлиги билан биргаликда:

а) хорижий мамлакатларда сақланаётган Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимотига мансуб алломаларнинг ҳаёти ва илмий меросига оид нобў қўлёзма асарлар ва бошқа маданий бойликлари аниқлаш, уларнинг нусхаларини Ўзбекистонга олиб келиш ва тадқиқ қилишни тизимли равишда ташкил этсин;

б) Имом Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган юқори сифатли медиамаҳсулотлар ҳамда аудиовизуал асарлар яратиш, уларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш, интернет тармоғи ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб қилиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Дунё” ахборот агентлиги ва Ўзбекистон миллий медиа ассоциациясига Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Қ.Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2025 йил 14 март

## Ўзбекистон — Россия: ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ ҚАДАМ

Кеча Олий Мажлис Сенатида Россия Федерал Мажлиси Давлат Думаси Раиси Вячеслав Володин бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

### Мулоқот

Учрашув аввалида Сенат Раиси Танзила Норбоева мартабали меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб, унинг бу ташрифи парламентлараро муносабатларни янги руҳда давом эттиришдаги муҳим қадам эканини таъкидлади.

“Икки давлат ўртасида олий даражада эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш учун қонуний асосларни яратиш парламентлар олдига асосий вазифалардан биридир. Ушбу учрашув халқларимиз манфаатларидан келиб чиқадиган мақсадларни амалга ошириш йўлидаги фаол мулоқотлар учун қўлай фурсатдир”, дейилди суҳбатда.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Россия муносабатлари янги босқич — кўп қиррали стратегик иттифоқчилик ва ишончли ҳамкорлик даражасига кўтарилди. Бунда икки мамлакат президентлари белгилаб берган истиқболли вазифалар ва уларнинг ижроси муҳим ўрин эгаллайди.

Мулоқот чоғида миграция масаласида долзарб вазифалар мавжудлиги ва бу жараёнда икки давлат фуқароларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонуний ечимларини ҳамкорликда топшиш муҳимлиги айтилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон — Россия парламентлари алоқаларининг бугунги ҳолати таҳлил қилиниб, икки давлат муносабатларида парламентлараро яқин ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилди.

Бу борада Олий Мажлис Сенати ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши ўртасида қўшма комиссия фаолият юритиб келаётгани, икки давлат парламентларининг юқори палаталари раҳбарлари мунтазам равишда ўтказиётган учрашувлар ишончли ҳамкорлик муҳитида ўз самарасини бераётгани эътироф этилди.

Ўз навбатида, мартабали меҳмон самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

— Биз Ўзбекистонни Россиянинг 10 та ишончли ҳамкоридан бири, деб ҳисоблаймиз. Мамлакатларимиз ўртасида қарор тоғлан мустақам дўстлик ва ишончли шериклик сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз, парламентларимизнинг ички ва самарали фаолиятдан манфаатдорлиги ҳамда ҳамкорлигимизни юқори суръатларда давом эттириш тарафдоримиз, — деди В. Володин.

Шунингдек, суҳбат давомида истиқболда ўзаро муносабатларни янада мустақамлаш, эришилган келишувларни амалга ошириш механизмлари устидан назорат, қонунийлик соҳасида тажриба алмашиш ва Ёшлар парламенти алоқаларини фаоллаштириш юзасидан фикр юритилди.

Ўзбекистон томони Россия парламенти раҳбарияти ва вакилларининг яқинда Тошкентда ўтказиладиган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси тадбирларида фаол иштирокини мамнуният билан қабул қилишини билдирди.

«Халқ сўзи».

## МАЪРИФИЙ ДИПЛОМАТИЯ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбарларига китоб совға қилиши замирида мужассамлашган маънавий жасорат ҳақида

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон таклифига биноан ушбу мамлакатга амалга оширган давлат ташрифи чоғида бўлиб ўтган дўстона мулоқотлар, Ўзбекистон раҳбарига кўрсатилган алоҳида эътибор ва самимий муносабат мени жуда қувонтирди. Бу бутун дунёда, айниқса, Европада Ўзбекистонга бўлган қарашлар тобора ижобий маъно касб этаётганлигини англатади. Давлатимиз раҳбари Франция Республикасининг олий мукофоти — Фахрий легион ордени билан тақдирлангани ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

### Нигоҳ

Мазкур давлат ташрифи билан боғлиқ маълумотларни ўқиш давомида Ўзбекистон Президентининг Матбуот котиби Шерзод Асадовнинг телеграм каналида берилган мана бу хабар эътиборини тортиди: “Елисей саройида олий даражадаги учрашув чоғида Президент Шавкат Мирзиёев Президент Эммануэль Макронга буюк француз ёзувчиси Виктор Гюгоннинг ўзбек тилига таржима қилинган “Қулаётган одам” романининг илк нусхасини совға қилди...”.

Президентимиз 2020 йил Анкара шаҳрида Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Халқ кутубхонасининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида шундай деган эди: “Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай енгилмас куч манбаи эса аввало инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти — китоб ва кутубхоналарда”.

Шавкат Мирзиёев Туркиядаги мазкур кутубхонага дунёда ўта нобў бўлган “Усмон Мушаффи”нинг хаттотларимиз томонидан кўчирилган нусхасини, Жалолиддин Румийнинг машҳур “Маснавий” асари ҳамда Абу Бакр ар-Розийнинг “Касалликлар тарихи” асари қўлёзмаларининг факсимиле нусхаларини, “Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги тасвирий нусхалари” номли китоб-альбомни, Юнус Эмро шеърларининг ўзбек тилига таржимаси жамланган “Ўлмас кўнгул” деб номланган китобларни тухфа қилган эди.

бошқа восита йўқ, деб ўйлайман. Китоблар халқлар ҳақида, маданиятлар тўғрисида энг кўп маълумот берадиган манбадир. Мазкур китоблар мамлакат раҳбарларига совға қилинган экан, бу билан Президентимиз бизнинг халқимиз сизларнинг адабиётингизни севиб ўқийди ва қадрлайди, деган туйғуни ҳам ифода этади.

2016 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда жаҳон мамлакатлари лидерларининг китобларини нашр этиш аънаси яратилди. Бунинг натижасида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг “Қашшоқликдан халос бўлиш”, Сингапур Бош вазири лавозимида фаолият кўрсатган Ли Куан Юнинг “Учинчи дунёдан биринчи дунёга” номли китоблари ўзбек тилида чоп қилинди. Бу жараёнлар, яъни маърифий дипломатия изчил давом эттирилмоқда.


Маърифий дипломатия натижасида Корея Республикасида “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев”, Озарбайжонда “Шавкат Мирзиёев феномени”, Хитойда “Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги ислохотлар даврининг эълмони” номли китоблар нашр этилди ва халқаро микёсда тақдимотлари ўтказилди.

Нафақат гўзаллик, эзгулик, яхшилик ва маърифат, балки китоблар ҳам дунёни кутқаради. Инсониятга руҳий соқинлик, хотиржамлик бағишлайди. Инсоният интернет ва замонавий технологияларни инкор этмаган ҳолда китобга қайтиши керак.

Франция Президенти Эммануэль Макрон Шавкат Мирзиёевга XIX аср охирида француз фотографи томонидан суратга олинган Жиззах воҳасидаги “Темир қоққа” дараси манзараси акс этган тарихий расмини совға қилди. Ўзбекистон раҳбари томонидан асос солинган маърифий дипломатия бутун дунёда акс садо бермоқда...

Рустам ХОЛМУРОДОВ,  
Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

# ФАОЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ



Президент Шавкат Мирзиёев кейинги пайтларда дунёнинг етакчи давлат раҳбарлари томонидан, шунингдек, халқаро эксперт доиралар ва хорижий оммавий ахборот воситаларида ўта прагматик, ўз дунёқарашига эга, гапдан кура ишн маъқул кўрадиган сиёсатчи сифатида тез-тез эътироф этилмоқда. Бу, албатта, қалбларимизни фаҳрга тўлдирди.

## Дунё ва биз

Президентимиз куни кеча давлат ташрифи билан борган Францияда ҳам катта ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олинди. Давлатимиз раҳбарининг икки мамлакат ҳамкорлигини ривожлантириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун Франция Республикасининг олий мукофоти — Фахрий легион ордени билан тақдирланиши эса юксак эътирофнинг яқол намойиши бўлди.

Фахрий легион ордени 1802 йилда таъсис этилган бўлиб, Францияда ушбу орден алоҳида хизматларнинг давлат даражасида эътироф қилиниши ва шон-шарафнинг энг юқори белгиси ҳисобланади. Бундай юксак мукофотга ўз минтақаси ва халқаро майдонда ташаббускорлиги, ислохотпарварлиги билан ажралиб турадиган етакчиларини муносиб қўрилади.

Яна бир эътиборли жиҳати, Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон Елисей саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шарафига давлат қабул маросимини ўюштирди. Қабулда икки мамлакат расмий делегациялари, Франция Бош вазيري Франсуа Байру бошчилигидаги Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, таниқли маданият, санъат ва фан арбоблари, ишбилармон доиралар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этгани расмий Парижнинг Ўзбекистонга ва унинг раҳбарига ҳурмати ва юксак ишончнинг ифодаси бўлди, десак, янглишмаймиз.

Ушбу ташриф икки томонлама алоқалар тарихида янги саҳифа очди. Икки давлат стратегик ҳамкор бўлишига келишиб олгани — Тошкент ва Париж муносабатлари янги босқичга кўтарилишидан дарак беради. Стратегик шериклик — бу энг муҳим масалаларда бирга қадам ташлаш келишуви бўлиб, халқаро муносабатлардаги юқори даражадаги ҳамкорлик ҳисобланади.

Стратегик шериклик — миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда кенг йўналишларда узоқ муддатли ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатилди. Хозирги кунда глобал майдонда янги дунё тартиботи шаклланиши, бу ўз навбатида, халқаро вазиятнинг кескинлашувига сабаб бўлмоқда. Бундай кезларда ишончли стратегик шерикларга эҳтиёж ошди. Иккала томон бир ёқадан бош қаради ва келишиб ҳаракат қилади. Қай соҳада бўлишидан қатъи назар, тижорий, ҳарбий ёки дипломатик ёқад инсон манфаатлари, таълим ва бошқа йўналишларда чуқур ҳамкорликни назарда тутди.

Франция — Ўзбекистон стратегик шериклик муносабатларини ўрнатган ўн еттинчи давлат. Тан олиш керак, алоқалар

ҳам шунга яраша шиддат билан ривож топмоқда. Франция етакчиси Эммануэль Макроннинг "Бир неча йил ичида биз энергетика, сув ресурсларини бошқариш, коммунал хизматлар, транспорт, барқарор туризм каби муҳим соҳаларда узоқ муддатли алоқаларни ўрнатгани эришдик. Бунинг далили сифатида Франция ҳукумати ва Франция тараққиёт агентлиги кўмагида француз компаниялари Ўзбекистонга инвестиция қилиб, худудларда қўйилган қиймат ва иш ўринлари яратилаётгани, ёшлар касб ўрганиб, ҳаётда ўз ўрнини топаётганини келтиришим мумкин", деган сўзлари ҳам ўтказилган музокаралар натижалари ва имзоланган битимларга юксак баҳо берилганини тасдиқлайди.

Давлатимиз раҳбарининг Францияга ташрифи мобайнида ушбу мамлакат эксперт доиралари ва матбуоти ҳам Ўзбекистон амалга ошираётган ислохотлари билан минтақада локомотив вазифасини ўтаётганини эътироф этди. Чегараларнинг очилиши, делимитация ва демаркация жараёнларининг фаоллашуви, қўшни ва бошқа барча давлатлар билан иқтисодий ҳамда энг муҳими, ўзаро ришталарнинг бир манзил сари йўлга солиниши, айтиш мумкин, Ўзбекистон қиёфасини ўзгартириб юборди. Буни 2023 йил ноябрда юртимизда меҳмон бўлган Эммануэль Макрон ҳам эътироф этганини ёдга олиш жоиз. "Ҳурматли Президент, очик айтмоқчиман, сиз етти йилдан бери очик сиёсат олиб бормоқдасиз. Бу минтақани тинчлантириш ва барқарорлаштириш орқали иқтисодий ривожлантириш сиёсатини олиб бормоқдасиз. Бу минтақани тинчлантириш ва барқарорлаштириш орқали иқтисодий ривожлантириш сиёсатини олиб бормоқдасиз", деган эди ўшанда Франция етакчиси.

Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги жонланган шиддий, янги ҳаракат сифатида намён бўлди. Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбари хорижий давлатларга шунчаки ташриф буюрмайди. Бунинг ортда, энг аввало, юрт ва халқ манфаатлари, иқтисодий ва сиёсий манфаатлар билан турмуш фаровонлигига эришиб, мақсадлари ётади. Президент Шавкат Мирзиёев Франция сармоясини Ўзбекистонга жалб қилмоқчи. Яна бир асосий мақсад — бу мамлакат орқали Ўзбекистонни Европа Иттифоқида генерок тақдим этиш, янги иқтисодий имкониятлар топиш. Ўзбекистон бу мақсадларга эришмоқда ҳам. Масалан, Ўзбекистон ва Франция давлат раҳбарлари зузурида Мутахассислар ва талабалар ҳаракатчилигини тўғрисидаги ҳукуматларро битим, Дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан ўзаро озод қилиш тўғрисидаги ҳуку-

матларро битим ҳамда Франциянинг етакчи компаниялари билан Ўзбекистонда 6,5 млрд. евролик истикболли кооперация лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутувчи Инвестиция ва инновация соҳаларидаги ҳамкорлик дастури алмашилди.

Шунингдек, давлат ташрифи давомида имзоланган Ўзбекистон — Франция университетини ташкил этиш тўғрисидаги ҳукуматларро битим, Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация, Франция тилини ўқитишни кенгайтириш тўғрисидаги баённома, Мусиқа, кино ва театр соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация, бундан ташқари, Маданият ва санъатни ривожлантириш жағмармаси билан Франция Маданият вазирлиги, Маданий мерос миллий институти ва Марказий Осиё тадқиқотлари институти ўртасидаги ҳамкорлик битимлари, Тошкент ва Париж шаҳарлари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатили тўғрисидаги баённома ва бошқа икки томонлама ҳужжатлар муносабатларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариши табиий.

Ўтган йили товар айирбошлаш ҳажми илк бор 1 млрд. евродан ошгани, қўшма корхоналар сони эса 4 баробар кўпайгани ҳамкорлик жадал босқичга кўтарилиганини англатади. Юртимизда Франциянинг "Orano", "EDF", "Total", "SUEZ", "Vollalia", "Veolia" ва кўпball бошқа етакчи компаниялари ана шу муваффақиятли алоқаларга қамарбости бўляпти. Франция тараққиёт агентлиги билан шериклик янги сифат касб этди, у билан янги ҳамкорлик дастури қабул қилинмоқда. Ташрифта тайёргарлик доирасида Ишбилармонлар палатаси ўз ишини бошлади. Савдо-иқтисодий ва инвестиция-молиявий соҳаларда ўзаро манфаатли ришталарни кенгайтириш, Франциянинг етакчи компания ва корхоналари билан кооперация лойиҳаларини илгари суришга устувор аҳамият қаратилди. Муҳим минерал хомашё ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш, энергетика, инфратузилмани ривожлантириш, транспорт ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳалар амалга ошириладиган бўлди. Умуман, қўшма лойиҳалар портфели 12 млрд. евродан зиядига ташкил қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари узоқ муддатли кооперация алоқаларини йўлга қўйишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон — Франция инвестиция кенгашини таъсис этиш ва унинг биринчи йиғилишини жорий йил июн ойида Тошкент инвестиция форуми доирасида ўтказишни тақлиф қилди. Худудларро алоқаларни рағбатлантириш мақсадида келгуси йилда Самарқанд шаҳрида икки мамлакат худудларининг биринчи форумини ўтказишга келишиб олинди.

Шу кунларда Париж, Тулуза, Лион ва Ницца шаҳарларида худудларнинг фаол иштирокида тадбирлар ўтказилмоқда. Қўшма тиббиёт форуми ҳамда фан ва таълим бўйича конференция, Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ва маданиятга бағишланган тақдиротлар ўтказилди. Гретьон Арменийль шаҳрида буюқ аллома Абу Райҳон Беруний бюсти очилди. Етакчилар гуманитар йўналишдаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Париж шаҳрида И. Савицкий номидаги давлат санъат музейи тўпламидаги авангард асарлар кўргазмасини ташкил этиш, маданий ёдгорлигини сақлаш ва реставрация қилиш бўйича ҳамкорлик учун мамлакатимизда Франция мероси инсти-

тути ваколатхонасини очиб режалари қўллаб-қувватланди. Жорий йилда Тошкент шаҳрида француз мутахассисларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон — Франция университети очилиши таълим соҳасидаги асосий келишув бўлди. Француз тили ўқитувчиларини тайёрлаш йўналишида ҳам самарали ҳамкорлик давом эттирилади. Ишбилармонлик, туризм ва маданий алмашинувларни фаоллаштириш мақсадида тўғридан-тўғри авиақатновлар сонини кўпайтириш масаласи кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди. Ташкилотлар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлашни давом эттириш, терроризм, экстремизм, радикализм, киберхунтоқчилик ва хавфсизликка таҳдид солаётган бошқа замонавий хатарларга қарши курашишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳим экани таъкидланди. Тизимли мулоқотни йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Ташқи ишлар вазирликлари бошчилигида иқтисодий идораларни жалб қилган ҳолда Стратегик режалаштириш гуруҳини тузишга келишиб олинди.

Иқтисодий таълим бўйича Европада 3-ўринда, жаҳонда 7-поғонада бўлган Франция Европа Иттифоқида етакчи кишлоқ ҳўжалиги махсуслотлари ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади. Франция иқтисодиётининг бошқа йирк тармоқлари — машинасозлик (жаҳон ишлаб чиқаришининг 2,7 фоизи), кимё (жаҳон экспортда 4-ўрин), авиакосмик, автомобилсозлик, озиқ-овқат (экспорт ҳажми бўйича АҚШдан кейин 2-ўринда), радиоэлектроника, электротехника ҳамда информатика ва кемаасозлик. Шунингдек, атом энергетикасини ривожлантириш соҳасида энг илгор мамлакатлардан бири (энергиянинг 75 фоизидан ортиги АЭСдан олинади).

Дунёда юзага келаётган мураккаб сиёсий ва иқтисодий воқеликда Франция Ўзбекистон билан ҳам икки томонлама, ҳам Европа Иттифоқи орқали кўп томонлама форматда ҳамкорликни фаоллаштиришга интилоқда. Ўрта муддатли истиқболда Париж Тошкентнинг ўсиб бораётган геосиёсий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда минтақа билан алоқаларни босқичма-босқич мустаҳкамлаш йўналишида ишларни давом эттириш ниятида. Шу билан бирга, минтақанинг истиқболли инвестициявий ва транспорт-коммуникация салоҳияти, француз товарлари ва хизматлари учун кенг борзориинг мавжудлиги, катта микдордаги улуғвордор захиралари минтақани француз тадбиркорлари ва ишбилармон доиралари учун, айниқса, жозибадор қилади. Зеро, ҳар бир инвестор Ўзбекистон деганда, энг аввало, барқарорлик ва келажакка ишончнинг тасаввур қилишига интиляпти.

Бу саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистон имжики тубдан ўзгарди. Буни Ўзбекистоннинг жаҳонда демократик жамят, кучли, рақобатбардош иқтисодиёт, инновацион институтилар ва инфратузилма эга мамлакат сифатида қабул қилинаётгани ҳам қўриш мумкин. Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилётган кўламли ва жадал демократик ислохотлар бугунги кунда ортага кайтмас тус олганини, уларнинг асосини инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш ташкил этишини Франция каби ривожланган давлатлар яққол кўриб турибди.

Бугун Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолдаги барча давлатлар Ўзбекистон билан алоқаларни мустаҳкамлашга интилоқда. Ўзбекистон Президентининг ҳам Ғарбдаги Германия, Франция, Италия, ҳам Шарқдаги Россия ва Хитой, шунингдек, Кўрғаздаги Саудия Арабистони, БАА, Қатар каби қудратли давлатлар раҳбарлари билан мулоқотлар олиб бораётгани, ўзаро манфаатли битимлар тузаётгани дунёнинг Марказий Осиёга муносабати ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Фаол ташқи сиёсат Ўзбекистонининг халқаро обрў-эътиборини ошириш баробарида Марказий Осиёни барқарор, улкан имкониятга эга жозибали минтақага айлантиришга хизмат қилмоқда.

**Абдували СОЙИБНАЗАРОВ**  
(«Халқ сўзи»).

## Ўзбекистон — Франция: ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР САРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Франция Республикасига давлат ташрифи дунё сиёсий саҳнида мамлакатимизнинг обрў-эътибори, нуфузи тобора юксалиб бораётганининг яна бир амалий ифодаси бўлди.

### Мушоҳада



Франция етакчисининг давлатимиз раҳбарига кўрсатган юксак ҳурмат-эҳтиром, мамлакатнинг олий мукофоти — Фахрий легион ордени билан тақдирлаши, ўзбеконга лутф этиши, Президентлар қабул қилган Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, шунингдек, ҳамкорликнинг турли йўналишлари бўйича битимларнинг салмоқли тўплами — буларнинг барчаси нафақат халқимиз, балки бутун дунё жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан кузатилади, эътироф этилди.

Фахрланишга арзигулик бундай самийий муносабат жаҳон ҳамжамиятининг Президентимиз томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга юксак ишонч ва эҳтиром билан қараётгани яна бир бор кўрсатди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳамма соҳада улкан янгилашиллар ва туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу нафақат ички сиёсат, балки ташқи алоқалар, халқаро муносабатларда ҳам яққол намён бўлаётди.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари барқарор, адолатли ва демократик давлат қуришга, мамлакатнинг дунёга очилишини намён қилишга ҳамда регионал ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган диққатга сазовор.

Хорижий шериклар билан муносабатларни йўлга қўйиш бўйича устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Европа Иттифоқи ва унинг етакчи аъзо давлатлари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳамда кенгайтириш жараёнини давом эттиришдан манфаатдор. Улар орасида Франция Республикаси энг яқин ва ишончли шериклардан ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, 2016 йилдан кейин ўзаро муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Хусусан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга 2018 йил 8-9 октябрь кунлари амалга оширган расмий ташрифи алоқаларнинг янги даврини бошлаб берди. Парижда ўтган олий даражадаги музокаралар чоғида ҳукуматларро ва идораларро қатор ҳужжатлар имзоланди.

**Мазкур ҳужжатлар ижроси доирасида "Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университетида ЮНЕСКО кафедраси ташкил этилди. Ушбу кафедрода минтақада сув танқислигини юмшатиш, экологик барқарорликни таъминлаш ва иқлим ўзгариши натижасида қишлоқ ҳўжалиги экинларига таъсирини баҳолаш каби фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда.**

Ўзбекистон ва Франция ҳамкорлиги кун тартибидан ўзбек — француз сиёсий мулоқотини янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш, маданий-гуманитар алмашинувларни фаоллаштириш масалалари доимий ўрин олди. Икки давлатнинг долзарб халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал қилишга доир ёндашувлари яқин ёки мос, шу боис минтақавий ҳамда халқаро ҳамкорлик, хавф-хатарларга қарши биргаликда курашишни янги шакллари ривожлантириш муҳимлигига эътибор қаратилмоқда.

Ҳеч муболагамас айтиш мумкин, бир томондан, Ўзбекистонда ҳаётнинг барча жаҳасини эркин-

лаштириш ва модернизация қилиш бўйича рўёбга чиқарилаётган кўп қиррали ислохотлар, бошқа тарафдан — расмий Тошкентнинг мамлакат атрофида хавфсизлик ва барқарорлик белбоғини яратиш йўлидаги фаол ҳаракатлари ҳамда булар Парижнинг Марказий Осиёдаги сиёсатига ҳамоҳанг экани мазкур жараёнларга ўзгача сурбат бағишламोқда. Минтақага нисбатан Франция позициясини Марказий Осиёдаги барча давлатлар суверенитети, хавфсизлиги ва фаровонлигини ёқлаш билан ҳамisha ажралиб турган.

Президентимизнинг Францияга жорий ташрифи чоғида ҳам маданий-гуманитар ҳамкорликни изчил давом эттиришга алоҳида ургу берилди. Хусусан, Елисей саройида ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг музокараларида Париж шаҳрида И. Савицкий номидаги давлат санъат музейи тўпламидаги авангард асарлар кўргазмасини ташкил этиш, маданий ёдгорликлари сақлаш ва реставрация қилиш бўйича ҳамкорлик учун мамлакатимизда Франция мероси институти ваколатхонасини очиб режалари қўллаб-қувватланди.

Жорий йилда Тошкент шаҳрида француз мутахассисларини жалб қилган ҳолда Ўзбекистон — Франция университети очилиши таълим соҳасидаги асосий келишув бўлгани таъкидланди. Француз тили ўқитувчиларини тайёрлаш йўналишида ҳам самарали ҳамкорлик давом эттирилади.

Айтиш керакики, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг халқаролашган тамойили асосида "Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети ва Франциянинг "SUEZ" халқаро компанияси келишув битимини имзолади.

Мазкур битимга асосан, икки мамлакатнинг таълим салоҳиятини ривожлантириш, тенг манфаатли илмий тадқиқотларда ҳамкорлик қилиш белгиланган. Жумладан, ичимлик суви таъминотини модернизациялаш юзасидан илмий алоқаларни кенгайтириш, илмий-инновацион лаборатория ташкил этиш, "аккли" суғориш ва сувни тежовчи технологияларни ишлаб чиқариш, тархорлар шаҳар ва қишлоқ сув бошқарувига доир технологиялар трансфер бўйича ҳамкорликни янада қучайтириш кўзда тутилган. Ўзбекистонлик мутахассислар ва тадқиқотчилар учун ишлаб чиқариш таълими ва стажировкалари амалга оширилади.

Франция таърибаси ва салоҳиятини ўрганиш мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий йўналишда устувор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, таълим тизими сифатини юқори босқичга чиқариш, иқтисодий саноат ва технологиялар модернизациялаш ҳамда уш таркибий жиҳатдан диверсификациялашга яқиндан кўмак беради.

Ҳар икки мамлакатда олиб бораётган ислохотлар жараёни нафақат ўзбек — француз, балки Ўзбекистон ва ЕИ стратегик ҳамкорлигининг кўп қиррали муносабатларини янги босқичда ҳаётга татбиқ қилиш учун кенг имкониятлар очди.

Дунёда юксак маъвога эга бўлган Франция билан сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш Ўзбекистоннинг халқаро мақоми ҳамда нуфузини янада ошириш, мамлакатимизга юқори сифатли инвестициялар ва илгор технологиялар жалб қилиш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш имконини беради. Шунингдек, ўзбек махсуслотларини ушбу мамлакатга ва Европада экспорт қилиш имкониятини кенгайтиради.

**Баҳодир МИРЗАЕВ,**  
**"Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети ректори.**

# Манфаатли алоқалар янада мустаҳкамланади

Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги алоқалар кўп қиррали бўлиб, сиёсий, иқтисодий, маданий, таълим ҳамда бошқа соҳаларни қамраб олади. Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йилда ўрнатилган.

## Фикр

Кейинги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев ҳамда Президент Эммануэль Макроннинг фаол саъй-ҳаракатлари тубайли Ўзбекистон — Франция муносабатларида салмоқли муваффақиятларга эришилгани кузатилоқда. Бунинг сўнгги саккиз йил ичида юртимизда Франция компаниялари иштирокида қўшма корхона ва лойиҳаларнинг сони кескин ошгани ҳам яққол тасдиқланади.

Икки давлат ўртасида юқори даражадаги ташрифлар амалга оширилган бўлиб, улар ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келяпти.

Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий соҳадаги шериклик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Франция Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги муҳим савдо ҳамкорларидан бири саналади. Француз компаниялари Ўзбекистонда энергетика, инфратузилма, транспорт ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида фаолият юрғотилоқда.

Шунингдек, маданият ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик

ҳам ривожланиб борапти. Ўзбекистонда француз тили, маданиятга қизиқиш ортиб, француз тили ўқитиладиган мактаблар ҳамда университетлар сони кўпаймоқда. Ўз навбатида, Франция ҳам ўзбек маданияти ва санъатига қизиқиш ортиб борапти ҳамда турли маданий тадбирлар ўтказилаётди.

Икки давлат халқаро ташкилотлар доирасида ҳам ҳамкорлик қилади. Ўзбекистон ва Франция БМТ, ЮНЕСКО каби халқаро ташкилотларда ўзаро қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳамкорликни амалга оширади. Умуман, Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги алоқалар барча соҳада изчил ривожланиб, икки давлат манфаатларига хизмат қилапти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг тақлифига биноан 11 — 13 март кунлари ушбу мамлакатга давлат ташрифи, шубҳасиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантириш билан бирга, уни

юқори босқичга кўтаришда муҳим роль ўйнайди.

Ушбу ташрифнинг энг эътиборли томони шундаки, Ўзбекистон 30 йилдан зияд давр ичида Францияга илк марта давлат ташрифини амалга оширмоқда. Бу мақомни дипломатияда меъзоном мамлакат тасдиқлайди. Унинг натижалари, албатта, Ўзбекистон — Франция ҳамкорлигини стратегик шериклик даражасига олиб чиқади.

Давлатимиз раҳбари ташриф доирасида БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) бош директори Одри Азулени қабул қилди. БМТ тизимидаги ушбу нуфузли ташкилот билан самарали ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари, шунингдек, ташкилот Бош конференциясининг 43-сессиясини жорий йил кўзда Самарқанд шаҳрида ўтказишнинг амалий жиҳатлари муҳокама этилди.

Мулоқот давомида мамлакатимизнинг мазкур ташкилот билан кўп қиррали шериклиги бугунги кунда юксак даражада экани қайд этилди. Ўзбекистон ташаббуси билан ахборотдан фойдаланиш ва болалар таълими масалалари бўйича резолюциялар қабул қилинди.

Париж шаҳридаги Бурбон саройида Франция Миллий мажлиси Раиси Яэль Браун-Пиве

билан бўлиб ўтган учрашувда икки давлат ўртасидаги парламентларро алмашинувни янада кенгайтириш, Ўзбекистон — Франция парламентларро форумини ташкил этиш ва "Йўл харитаси" асосида дўстлик гуруҳлари ишини қайта тиклаш масалалари кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз етакчиси Миллий мажлис Раисини жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Парламентларро Иттифонининг 150-йиллик асосамблеясида иштирок этиш учун мамлакатимизга тақлиф қилди. Бу эса халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва парламентларро ҳамкорликни янада ривожлантиришга имкон беради.

Энг асосийси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни қабул қилди. Бу халқаро муносабатларнинг юқори босқичи бўлиб, энди Франция Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорига айланди.

Париж шаҳрида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Франция Республикаси олий мукофоти — Фахрий легион ордени билан тақдирланиши бу расмий Парижнинг янги Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган изчил ислохотла-

Сенат кўмиталарида

ҲАЁТ ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТАДИ



Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси ишчи гуруҳининг кеча бўлиб ўтган ййгилишида мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари томонидан Жиноят кодексининг 266-моддасига (Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш) ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-га мувофиқ Олий Мажлис Сенати қонунчи-лик ташаббуси ҳуқуқига эга. Мазкур ташаб-бус доирасида парламентнинг юқори пала-таси йўл ҳаракати хавфсизлигини таъмин-лашга оид ҳуқуқий меъёрларни такомил-лаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жиноят кодексининг 266-моддасида на-зарда тутилган қилмиш эҳтиётсизлик оқиба-тидаги жиноят сифатида эътироф этилса-да, охириги вақтларда бу турдаги қилмиш-лар йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчилар-и, хусусан, пиледалар, велосипед ҳайдов-чиларининг ҳуқуқларини менсимаслик, ай-ниқса, муқаддам йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги ёки йўл-транспорт ҳодисасини содир қилганлиги учун транспорт воситаси-ни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилганлар, шунингдек, мастлик ҳолатида ёки гиёҳванд-лик воситалари, уларнинг аналоглари, пси-хотроп ёхуд кишининг ақл-идроқини сархуш қилувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлган шахслар томонидан содир этилаёт-ганини қузатишмоқда.

Хусусан, 2020 — 2024 йиллар давомида маст ҳайдовчилар сабабли 600 га яқин йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида 322 нафар фуқаро ҳалок бўлган. 2024 йилнинг ўзида транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар томонидан рўйхат-га олинган 405 та ЙТХ сабаб 94 нафар фуқаро вафот этган.

Бундай ҳолатлар аҳолининг ҳақли эъти-розига сабаб бўлмоқда ва ижтимоий тар-моқлар орқали амалдаги қонунчиликни яна-да кучайтириш лозимлиги таъкидланмоқда.

Шу боис Сенатнинг Мудофаа ва хавф-сизлик масалалари кўмитаси томонидан мутасадди вазирлик ва идоралардан олин-ган фикрлар асосида Жиноят кодексининг 266-моддасига ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш орқали йўл ҳаракати қоидаларини кўпол бузган ҳайдовчиларга нисбатан жи-ноятнинг оғирлигини ҳисобга олган ҳолда жазо чораларини кучайтириш бўйича так-лифлар ишлаб чиқилди.

Ййгилишда Бош прокуратура, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари ҳамда Ички иш-лар вазирлиги Академияси томонидан тақ-дим этилган таклифлар асосида ишчи гу-руҳнинг ҳам таклифлари муҳокама қилинди.

Жиноят кодексининг юқорида қайд этил-ган моддасида белгиланган ҳуқуқбузарлик транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки мастлик ҳолатида ёхуд гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналог-лари, психотроп ёки кишининг ақл-идроқи-ни сархуш қилувчи бошқа моддалар таъси-ри остида бўлган шахс томонидан содир этилганда оғирроқ жазо чораларини қўла-шиш назарда тутилганлиги кўпол лойиҳа-сини тайёрлаш учун масъул вазирлик ва идо-ралар вакилларидан иборат таркибда ишчи гуруҳи шакллантириш масаласи кўриб чи-қилди.

Ййгилиш якунида ишчи гуруҳ аъзолари мутасадди вазирлик ва идоралар вакилл-ари билан биргаликда қонунчилик таклифла-рини такомиллаштириш ва мазкур соҳадаги ҳуқуқий меъёрларни янада кучайтириш юза-сидан ишларни давом эттириш муҳимлиги-ни ургулади.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА БАРЧА ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган мажлисида Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 5 март куни ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашининг кенгайтирилган ййгилишидаги нутқида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Қонунчилик палатаси ва унинг кўмиталари олдида турган вазифалар кўриб чиқилди.



Мажлисида сўзга чиққан кўмиталар раислари коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш бўйича муносабатларини билдириб, келгусидаги режалари билан ўртоқлашди.

НУҚТАИ НАЗАР

Гулруҳ АГЗАМОВА, Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари кўмитаси раиси:

— Коррупцияга мурасасиз бўлиш, аҳолини қийнаётган, йиллар давомида ечимини кутаётган муаммоларни аниқ-лаш ва ечим топиш борасида фаолиятчи-мизни тўлақонли қайта кўриб чиқиб, янгича услубда иш бошладик.

Нодавлат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, давлат гранти, ижтимоий буюртма ва субси-диялар бериш тартибини соддалаш-тириш, коррупцияга нисбатан мурасасиз бўлиш учун янада кўпроқ шариот яратиб, бунга кенг жамоатчиликни жалб қилиш, улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, имкониятлардан кенг фойдаланиш бўйича таклифларни тай-ёрлашга киришганмиз.

Жорий йил бошидан мазкур маса-лалар бўйича амалдаги қонунчилик нор-малари қайта қўрилиб, айрим қонун-ларга ўзгартариш ва қўшимчалар кир-итиш юзасидан ташаббус ҳуқуқи асо-сида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш-га эътибор қаратишмоқда. Хусусан, ўтган ҳафтада нодавлат ташкилотлари фаолиятига янада эркинлик бериш, уларнинг коррупцияга нисбатан муро-сасиз кураши учун ижтимоий буюрт-маларни олиш тартибларини енгли-лаштириш бўйича иккита қонун лойи-ҳаси ишлаб чиқилиб, жамоатчилик ва депутатларимиз муҳокамасига қўйилди.

Айни вақтда кўмитамиз ўз олди-га қатор аниқ мақсадларни қўйди. Жум-ладан, кўмита ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши, ақл ва таҳлил марказлари сало-ҳиятидан кенг фойдаланган ҳолда маҳалларнинг ўзида коррупцияни келти-риб чиқараётган омишлар ва манбалар-ни соҳавий ўрганишга аҳамият бери-лади. Бунда "маҳалла еттилик" тизи-мидан унумли фойдаланиб, жойларда фуқаролар дўч келаётган коррупция ва бюрократия тўсиқларини аниқлаш, ўрганиш орқали қонунчилик таклифлар-ни тайёрлаш, давлат идораларига те-гишли тавсияларни беришда ташаббус-кор бўлиш талаб этилади.

Депутатларимиз ҳамда кўмита ҳузу-ридаги жамоатчилик кенгаши аъзолари вазирликлар қошидаги жамоатчи-лик кенгашларига бириктирилди. Хар ойда бўлса вазирликнинг жамоатчилик кенгаши фаолиятини ўрганиб, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича ҳуқуқий, амалий ёрдам берилди.

Доимий равишда нодавлат ташки-лотларини қийнаётган бюрократик тўсиқларни ўрганиш ҳамда, жамиятчи-ликда коррупцияга тоқат қилмаслик муҳитини яратишда уларнинг жамоат-чилик назоратини олиб боришида фаолият кўрсатамиз.

Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси раиси:

— Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш масаласи давлат сиёсати ди-ражасига кўтарилгани жамиятимиз ривожланишида амалий натижаларини бермоқда. Албатта, бунда парламент томонидан тегишли қонунчиликни та-комиллаштириш асосий вазифалардан бири бўляпти.

Қайд этиш керак, сўнгги йилларда рақамлаштириш соҳаси изчил ривож-ланмоқда ва бу, ўз навбатида, аҳоли турмуш фаровонлиги ҳамда давлат бошқаруви тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Буни электрон давлат хизматлари сони 15 қарра ортиб, 721 тага етгани, аҳоли ва тадбиркорларга "Халқ хизматидаги давлат" тамойили асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгани мисолида кўриш мумкин. Аммо ушбу соҳада хозирда ўз ечимини топмаган бир қанча масалалар ҳам мавжуд.

Давлатчилик раҳбари нутқидан келиб чиқиб, яқин-да кўмитамиз депу-татлари Тошкент вилоятининг бир неча маҳаллалари-да бўлиб, "маҳалла еттилик" фаоли-тида рақамлашти-риш масаласини ўрганди. Бу жараён-да иш самарадорлигининг пасайиш-ига сабаб бўлувчи бир неча муаммоли масалалар аниқланди. Масалан, ҳудуд-ларда фаолият олиб бораётган "ма-ҳалла еттилик" вакиллари 20 дан зиёда электрон платформалардан фойдаланмоқда, лекин улар ягона мар-казлашган тизимга интеграция қилин-маган. Маҳалла раисларининг эса на-фақат электрон платформаларда иш-лаш, балки маълумотлар билан тўлиқ танишиши учун ҳам тизимларда имко-ният яратилмаган.

Кўмитамиз ушбу соҳада қатъий па-рламент назоратини йўлга қўйишга, мавжуд қонунчиликни такомиллаш-тиришга эътибор қаратади.

Шу билан бирга, маърузада Президентимиз томонидан кўмитамиз-га халқаро тажрибани ўрганган ҳолда киберкоррупцияга қарши самарали ку-рашиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий база яратишга бошчилик қилишдек муҳим топшириқ берилди.

Бу, албатта, жудаям муҳим вазифа бўлиб, кибертехнологияларга асослан-ган коррупцион жиноятларнинг чекла-ш, давлат бошқаруви тизимида очиқлик ва шаффофлиқни таъминлашга хизмат қилади.

Берилган вазифа юзасидан ўз ре-жаларимизни белгилаб олдик ва илгор халқаро тажрибага асосланган тарзда ушбу масалалар ижросига кўмита депутатлари билан биргаликда масъулиятни зиммага олган ҳолда ёндашамиз.

Улўбек ШЕРМАТОВ, Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси:

— Давлатимиз раҳбари жиноятчилик-нинг олдини олишда парламент, хусусан, масъул кўмиталар ўз имкониятларидан ҳали етарлича фойдаланма-ётганини таъкидлаб ўтди. Бизнинг кўмита фаолиятида ҳам эътиборимиз-дан четда қолган айрим масалалар мавжудлигини тан олишимиз керак.

Қайд этиш жоиз, қримноген вази-яти мураккаб, "қизил" тоғмага кирган маҳаллалар бор. Ҳа ҳудудларда жи-ноятчиликнинг олдини олиш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда ички иш-лар органлари билан янгича услублар-ни қўллаш ҳамда ҳамкорлик қили-шимиз зарур.

Кўмитамиз нафақат маҳаллагача, балки жондонларгача ташриф буюриб, фуқаролар билан бевосита мулоқот ўрнатиш орқали жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва омишларини аниқ-лаш, уларни бартараф этиш бўйича так-лифларни тўғридан-тўғри вазирликка, марказга узатиш эмас, биринчи навбат-да, ўша жойининг ўзида мазкур жиноят-ларнинг олдини олиш юзасидан ечим-ларни топишга эътибор қаратади.

Депутатлар ушбу жараёнда фақат кузатувчи сифатида эмас, балки бевосита иштирокчи сифатида фаолият юритиши лозим.

Бу борада фаолият режимида янги ёндашувларни, иш услубларини бел-гилаб олдик. Хусусан депутатларимиз жойларга — сайловчилар билан учра-шувларга чиққан пайтда, маҳаллалар-да жиноят ҳолати бўйича давомий тақ-лифлар ўтказиш орқали жиноят содир этиш хавфи юқори бўлган ҳудудлар аниқлаб борилади. Ушбу таҳлил нати-жалари "маҳалла еттилик" иштироки-да, маҳалла фуқаролари билан бирга муҳокама қилинади.

Хар бир депутат ўз сайлов округи-даги профилактика инспектори фао-лиятини назорат қилиб бориши ва унинг иш самарадорлиги бўйича мун-тазам таҳлил ўтказиши керак. Профи-лактика инспекторлари фаолиятини ба-ҳолашда фуқаролар фикрини ҳисобга олиш тизимининг жорий этилиши, уларнинг иш фаолияти бўйича очиқ электрон рейтинг тизими ишлаб чиқи-лиши мумкин.

Профилактика инспекторларининг тақлифларини ўрганиш ҳам маҳалла-ларда жиноятчиликни қамайтиришга хизмат қилади. Шу сабабли, депутат профилактика инспекторлари билан ҳам бевосита мулоқот кўпригини ўрнатиши лозим.

Кўмитамиз маърузада белгиланган бошқа вазифалар, яъни коррупция, ай-ниқса, маъшиий коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашлар таркибининг янгилаш, улар билан ҳам-корликда фаолият олиб бориш ишла-рини жонлантириш борасида хар бир ҳудудга чиққан ҳолда ишларни ташкил қилиш режаси тасдиқланди.

Хар оининг 1 — 5 саналари "Жино-ятчиликка қарши курашиш ҳафталиги" бўлиши белгилаб олинди.

Кўмита маҳаллагача тушиб, кор-рупция жиноятининг келиб чиқиш са-баби ва омишларини аниқлаб, туман, вилоят прокурорлари ҳамда ички ишлар бошқикларининг олдида аниқ вазифа қўядиган тизим устида ишламоқда.

Берилган айрим таклифларнинг иж-роси юзасидан ҳам амалий ишлар бошланди. Хусусан, давлат раҳбари то-монидан таъкидланган, яъни вазир ва ҳокимлар лавозимга қўйилишидан ол-дин, коррупциянинг олдини олиш бўйи-ча аниқ режасини парламент ва ма-ҳаллий Кенгашлар олдида химоя қили-шининг механизмининг белгиланган бора-сида қонун лойиҳаси тайёрланди.

Бундан ташқари, давлат раҳбари томонидан парламент тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг Жино-ят кодексига коррупцияга оид жино-ятлар учун жавобгарлик муқаррарли-гини таъминлашга қаратилган ўз-гартариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунда, асосан, жазо-ни қучайтиришнинг ўзи билан чекла-ниб қолганини, коррупциянинг олди-ни олиш, одамларимизни бунга то-қатсизлик руҳида таявлялаш, профи-лактика механизмларини яратиш, жи-ноятни фош қилишга ёрдам берган-ларни рағбатлантириш каби масала-лар қонунда ақс этмагани сабаблари кўрсатилган ҳолда қайтарилди.

Шуларни инобатга олиб, қонунни маромига етказиш борасида бугунги кунда маънафатдор вазирлик ва идо-ралар билан ҳамкорликда ишлар бошлаб буюрилди. Бундан ташқари, жиноят доирадаги легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар учун жавоб-гарликни ҳам халқаро стандартларга мослаштириш, ноқонуний бойлик орттириш учун жавобгарлик масала-сини кўриб чиқиш борасида ишларни жадаллаштиришимиз керак бўлади.

Шуларни инобатга олиб, қонунни маромига етказиш борасида бугунги кунда маънафатдор вазирлик ва идо-ралар билан ҳамкорликда ишлар бошлаб буюрилди. Бундан ташқари, жиноят доирадаги легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар учун жавоб-гарликни ҳам халқаро стандартларга мослаштириш, ноқонуний бойлик орттириш учун жавобгарлик масала-сини кўриб чиқиш борасида ишларни жадаллаштиришимиз керак бўлади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ СУГУРТАЛАШ — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Олий Мажлис Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда "Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида"ги қонун дастлабки тарзда муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, кейин-ги йилларда ички ва ташқи бозорда ижтимоий аҳамият-га эга асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиб бориши бу эҳтиёжни қондириш ҳамда республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш учун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам-лашларини кўпайтиришни талаб этмоқда.

Қонун билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини тур-ли таваккалчиликлардан ҳимоя қилиш ва барқарор даромад олишини кафолатлаш учун Қишлоқ хўжалигини суғурта-лаш жамғармасини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси-даги йўқотишларни баҳолаш,

қопланиши назарда тутил-моқда ва қишлоқ хўжалиги соҳасида таваккалчилик-ларни суғурталаш жараён-ида иштирок этувчи субъект-ларнинг ҳуқуқ ва мажбури-ятлари белгиланаяпти.

Мазкур қонун билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотли ишлаб чиқарувчиларга хавф-хатарлар туфайли етказил-ган зарарларнинг ўрнини қоплашнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Шунингдек, со-ҳада таваккалчиликларни су-ғурталаш жараёнида ишти-рок этувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланаяпти. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаб, турли хавф-ха-тарларнинг моливий таъси-рини қамайтириш имконини яратади.

Мажлис якунида кўмита-нинг тегишли қарори қабул қилинди.

ЗЎРАВОНЛИККА АСОСЛАНГАН ЭКСТРЕМИЗМНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛИДА

Куни кеча Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси О. Қозихонова Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ)нинг "Марказий Осиёда зўравонлик экстремизмининг олдини олиш" лойиҳаси раҳбари Штефан Бухмаер билан учрашди.

Учрашув

Учрашув давомида "GIZ" томонидан амал-га оширилаётган лойиҳа доирасида ёшлар билан ишлаш бўйича давлат дастурлари иж-росига кўмаклашиш, зўравонликка асослан-ган экстремизмининг олдини олишда хотин-қизларнинг иштирокини кенгайтириш ҳамда идораларо ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Лойиҳа раҳбари Штефан Бухмаернинг таъкидлашича, бугунги кунда Ички иш-лар вазирлиги, Бош прокуратура, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Оила ва хо-тин-қизлар кўмитаси каби қатор идо-ралар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйил-ган. Мазкур лойиҳа давлат ва фуқаролик жамиятининг зўравонликка асосланган экстремизмининг олдини олиш бўйича

саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга, айниқса, заиф гуруҳларнинг радикалла-шувига қарши бардошлилигини оширишга қаратилган.

Учрашув якунида муносабатларни муста-ҳкамлаш ва келгусидаги ҳамкорлик йўна-лишларини янада ривожлантириш бўйича кели-лишиб олинди.

Эслаб ўтамиз, Германия халқаро ҳам-корлик жамияти (GIZ) 60 йиллик таърибга эга бўлиб, жамиятнинг асосий фаолияти ҳамкорлик асосида техник ва ривожла-ниш бўйича хизмат кўрсатиш, иқтисодиёт, про-фессонал ўқитиш ва узлуксиз таълимни ри-вожлантиришга қаратилган.

Шунингдек, "GIZ" фуқаролик жамияти институтлари учун ҳам ҳамкор ташкилот сифатида иш олиб боради ва ўзбекистон-да 1992 йилда ўз фаолиятини бошлаган.

«Халқ сўзи».

Эшитув

Таъкидланганидек, ҳисо-бот даврида мақсадли кўрсаткичлар доирасида ва-зирлик томонидан қатор иш-лар амалга оширилган. Ху-сусан, "Яшил макон" умум-миллий лойиҳаси доираси-да 2024 йилда 226,4 млн. туп манзарали ва мевали да-рахт ҳамда бута қўчатлари экилган. Натижада респуб-

ликадаги йирик туман ва ша-ҳарларнинг яшиллик дара-жаси 15,3 фоизга етган. Ҳудудларда 134 та "яшил боғлар" барпо этилган.

Шунингдек, Орол денги-зининг қурган туби ва Оролбўйи минтақасида қўлланиш, қуроқчилик, чанг-қум бўронлари қўтарилиши-нинг олдини олиш мақсади-

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ВА ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитасининг кенгайтирилган ййгилиши бўлиб ўтди. Унда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2024 йил учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиши ҳолати юзасидан ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, ҳисо-бот даврида мақсадли кўрсаткичлар доирасида ва-зирлик томонидан қатор иш-лар амалга оширилган. Ху-сусан, "Яшил макон" умум-миллий лойиҳаси доираси-да 2024 йилда 226,4 млн. туп манзарали ва мевали да-рахт ҳамда бута қўчатлари экилган. Натижада респуб-

ликадаги йирик туман ва ша-ҳарларнинг яшиллик дара-жаси 15,3 фоизга етган. Ҳудудларда 134 та "яшил боғлар" барпо этилган.

Шунингдек, Орол денги-зининг қурган туби ва Оролбўйи минтақасида қўлланиш, қуроқчилик, чанг-қум бўронлари қўтарилиши-нинг олдини олиш мақсади-

да 215 минг гектар "яшил" қопламалар яратилган.

Ахборотда келтирилгани-дек, юртимизнинг ўрмон би-лан қопланганлик даражаси 8,1 фоизга, муҳофаза эти-ладиган табиий ҳудудлар-нинг умумий майдони 6,4 млн. гектарга етказил-ган. 140 та йирик сановат ва цемент ишлаб чиқарувчи корхонада замонавий чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилган.

Бундан ташқари, 93 та са-новат корхонасида локал оқова тозалаш иншоотлари қурилган ва мавжудлари ре-конструкция қилинган. Фой-дали қазилмаларни қазиб олиш натижасида бузилган 2006 гектар ер майдонлари

рекултивация қилинган. Мамлакатимизда мавжуд маъшиий чиқинди полигонлар 17 фоизга қисқартирилган.

Ййгилишда кўмита аъзо-лари томонидан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири, унинг ўринбосарла-ри, тизимдаги агентлик ҳамда кўмита раҳбар ва ўринбосарларнинг 2024 йил учун мўлжалланган энг му-ҳим самарадорлик кўрсат-кичларига эришиш бўйича "Йўл харитаси" ижроси банд-ма-банд муҳокама қилинди.

Ушбу жараёнда сув ва шамол эрозиясининг олдини олиш ҳамда экологик муҳит-ни яхшилаш мақсадида химоя ўрмонларини барпо

этиш, туризмин қўллаб-қув-ватлаш йўналишидаги иш-ларда айрим камчиликлар учраётгани айтилиб, уларни бартараф қилиш бўйича так-лиф ва тавсиялар берилди.

Муҳокама жараёнида давлатимиз раҳбарининг Коррупцияга қарши ку-рашиш бўйича миллий кен-гаш ййгилишида белгилан-ган устувор вазифалардан келиб чиқиб, тизимда кор-рупцияга қарши курашиш соҳа вакилларининг асосий бурчи экани алоҳида таъ-кидлаб ўтилди.

Яқунда кун тартибидаги масала юзасидан кўмита-нинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Сурур

# ЯШАСИН ЎЗБЕКИСТОН, ЯШАСИН ФАРАНГИСТОН!

Кинот пучмоғида югуради Ер шари, Ким ортда қолиб борар, ким ўтади илгари, Ҳаманинг интилгани тонг сари, офтоб сари, Кўзларин катта очиб қаради кўхна жасҳон, Яшасин Ўзбекистон, яшасин Фарангистон!

Дунё етакчилари юз ювиб об-ғилмида, Менга салом беради бузун она тилимда Кошғарий гаҳарлари садо берар дилмида, Бир ёнда ўрмонлар лол, бир ёнда лолдир уммон, Яшасин Ўзбекистон, яшасин Фарангистон!

Бўйимиз-ку ўтибди Эйфель минорасидан, Алпомиш ўтганмикан Альпинг канорасидан, Арждодлар саси келди Қирол қошонасидан, Ложевард соҳилларда битилди янги дoston, Яшасин Ўзбекистон, яшасин Фарангистон!

Луврнинг сон-саноксиз тилла галадонлари, Кўхна тандирларимнинг кемтик қўлча, нонлари, Қайси боболаримнинг, воҳ, ломакон жонлари... Орзуларни яловдек кўтаргай зўр қахрамон, Яшасин Ўзбекистон, яшасин Фарангистон!

Фаранг атрин атри бор гулзорларим гулида, Сирдарё билан Сена абадият йўлида, Бойчечак гул очади ўнгиринг ўнг-сўлида, Қалқиб турган оламда эл-юртим бўлсин омон, Яшасин Ўзбекистон, яшасин Фарангистон!

Азиз тугилди яна китоб қадр, сўз қадр, Осмоннинг нур буржисда турналанинг пар сатри, Бу кўхна дунё асли абадият тахтири... Бизга қараб турбди узокдан Соҳибқирин, Яшасин Ўзбекистон, яшасин Фарангистон!

Самарқанд кириб борди Париж кўчаларига, Юлдузлари сочиди Париж кечаларига, Самарқанд нони кирди Париж режасарига, Кўнган ерида азиз бўлди энг олий пишон, Яшасин Ўзбекистон, яшасин Фарангистон!

Ўзбекистон буй чўзида Елисей майдонида, Ўзбек галдузи ёни фаранглар осмонда, Дўстлик ристаси муқим элининг тани жонида, Осё, Оврўпада бошланди янги замон, Яшасин Ўзбекистон, яшасин Фарангистон!

Салим АШУР, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

## 20 МИНГДАН ЗИЁД КЎЧАТЛАР ЎТҚАЗИЛДИ

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Мудофаа вазирлиги томонидан кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Ҳарбий объектлар атрофини кўжаламзорлаштириш орқали одамлар учун қулай экологик муҳит яратиш мақсуд қилинган. 20 мингдан зиёд мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

### Умуммиллий лойиҳа

Хусусан, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида вазирлик таркибидаги кўмондонлик томонидан 50 гектар ер майдонида 20 мингдан зиёд мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Вазирлик Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаментидан маълум қилинишича, экилаётган дарахтларнинг мослашувчанлиги ва ҳосилдорлиги инobatга олинди. Тегишли мутахассислар ва экологлар

ушбу ҳудуд учун мос келадиган дарахт турларини таниб, уларни парвариси қилиш ҳамда суғориш мақсадлари бўйича тавсиялар берди.

Айтиш жоизки, кўчат экиш тадбирлари, яшил ҳудудни кенгайтириш, экологик муаммоларнинг олдини олиш ва табиатни

муҳофаза қилишда муҳим ўрин тутди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.



## Банк кўмагида ривожланаётган қўшма корхона

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ташаббуси билан Қарши шаҳридаги пойабзал ишлаб чиқарувчи “UzShoes” Ўзбекистон — Беларусь қўшма корхонасига пресс-тур ташкил этилди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари корхонанинг ишлаб чиқариш жараёни, замонавий технологиялардан фойдаланиш ва экспорт салоҳиятини ошириш йўлида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

### Молия муассасаларида

Таъкидлаш жоиз, “UzShoes” корхонаси Қашқадарё вилоятида бир неча йилдан буён барқарор фаолият юритиб келаётган йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда Италия, Германия ва Австрия давлатларидан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида 60 турдан ортиқ ўлчам

ва дизайндаги пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришда. Айни пайтда ишлаб чиқаришнинг барча жараёни қамраб олганмиз, — дейди корхона иш бошқарувчиси Гафур Ҳошимов. — Пойабзалларидан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида 60 турдан ортиқ ўлчам



ча ишлар шу ернинг ўзида амалга оширилади. Ҳозир, асосан, буюртма асосида ишлаймиз — бир кунда ўртача 700 жуфт пойабзал тайёрланади, буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Бу фаолият ортидан эса 200 га яқин кишиларнинг доимий иш билан бандлиги таъминланган.

Корхонанинг босқичма-босқич ривожланишида молиявий ҳамкор ташкилот — “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Бугунги кунда корхонада банк кўмаги билан яна бир йирик лойиҳа амалга оширилмоқда.

Умумий қиймати 1,5 миллион долларни ташкил этадиган ушбу лойиҳа асосида болалар ва аёллар пойабзали ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишни мўлжалланганмиз, — дейди корхона раҳбари Дилшод

Муфтиллаев. — Бу билан ишлаб чиқариш қуввати 500 минг жуфтга етказилиб, яна 300 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Пресс-тур давомида “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Қашқадарё вилоятидаги банк хизматлари офисидан матбуот анжумани ҳам ташкил этилди.

Унда таъкидланишича, 2024 йилда “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан биргина Қашқадарё вилоятининг ўзидан қарийб 1 триллион сўмлик лойиҳалар молиялаштирилган. Бунинг натижасида 4,5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилган. Жорий йилда ҳам мақсуд йўналишдаги ишлар изчил давом этмоқда.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

## Танловда қатнашиш истагини билдирган юридик шахслар диққатига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 февралдаги 141-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 мартдаги 124-сонли ҳамда 2022 йил 25 июлдаги 404-сонли қарорларига асосан, Айдар-Арнасой кўллар тизимининг бўш сув ҳавзалари участкалари танлов асосида ижарага берилиши маълум қилинади.

Танлов ташкилотчиси: “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖ.

Манзили: Жиззах вилояти, Арнасой тумани, Голиблар шаҳарчаси.

Телефонлар: 94-347-62-27, 99-771-57-55, 93-295-99-90.

Электрон почта: aydarkol@gmail.uz

Танлов предмети: Айдар-Арнасой кўллар тизими сув ҳавзасидаги 207,9 минг гектар бўлган жами 103 та лотни балиқ овлаш ҳужжатлари асосан балиқ овлашни амалга ошириш учун 10 (ўн) йилга очик танлов асосида ижарага бериш.

Талабгорлар танлов ҳақидаги батафсил маълумотларни “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖдан олиши мумкин.

Талабгорлардан аризани кўриб чиқиш учун БХМнинг учдан бир баравари миқдорда тўлов ундирилади. Ушбу маблағлар жамиятнинг банк ҳисоб рақамига туширилади ва танловни тайёрлаш ҳамда ўтказиш учун ишлатилади. Буюртманомани кўриб чиқиш учун тўланадиган тўловлар қайтарилмайди.

Бундан ташқари, талабгордан сув ҳавзаси участкаси учун белгиланган йиллик ижара ҳақининг 30 фоиз миқдорда тўлов (гаров пули) ундирилади. Ушбу маблағлар жамиятнинг банк ҳисоб рақамига туширилади ва танлов голибининг дастлабки тўлови сифатида ҳисоб-китоб қилинади. Танловда голиб бўла олмаган талабгорнинг ушбу тўлови қайтарилади.

“Траст банк” ХАБ Жиззах вилояти филиали х/р 2021 0000 9007 4754 5001; МФО-00491; СТИР: 304 741 887; “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖ.

Тўлов мақсади: “Танловда иштирок этиш учун тўлов”.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили шах-

сан ёхуд почта орқали буюртма хат билан, аризани икки нусхада, кўриб чиқиш учун тўловнинг тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга 2 та муҳрланган конвертда (АСЛИ ва НУСХАСИ) кўйидаги ҳужжатларни “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖга тақдим этиши лозим:

1. Кўриб чиқиш учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (БХМнинг учдан бир баравари миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи);
2. Корхона гувоҳномаси ва устави (низом) нусхаси;
3. Корхона раҳбарининг паспорт нусхаси, раҳбарликка тайинланганлиги тўғрисида буйруқ, корхонада мавжуд ишчи-ҳодимлар рўйхати (паспорт нусхалари илова қилинган ҳолда);
4. Балиқ овлашни амалга ошириш бўйича бизнес-режа:
  - 4.1 Бизнес-режада кўйидаги асосий қоидалар акс эттирилиши лозим:
    - бир йилда ўртача овлашни қутилаётган миқдор;
    - иқтисодий самарадорлик ҳисоб-китоблари ҳақидаги маълумотлар;
    - киритилиши қутилаётган инвестиция миқдори ва соҳаси;
    - балиқ овлашни амалга ошириш бўйича бизнес-режанинг молиялаштириш манбалари (талабгорнинг ўз маблағлари ҳисобига, кредитлар ва ҳоказо) билан таъминланганлиги ҳақидаги маълумотлар;
    - ташкил этиладиган иш ўринлари сони;
    - ҳодимлар штатининг тажрибали балиқчилар, ихтиологлар, бошқа мутахассис ва экспертлар билан тўлдирилганлиги;
  5. Корхона балансидаги ёки айнан корхона раҳбари номидаги балиқ овлаш ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун моддий-техника воситалари (русуми кўрсатилган қайиқлар ва моторли қайиқлар, автотранспорт воситалари, овлаш қуроллари, балиқ ва балиқ маҳсулотларини сақлаш учун совитиш ускуналари ва ҳоказо)нинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар;
  6. Талабгор корхонанинг умумий ва балиқчилик соҳаси-

даги фаолият даврига оид маълумот. Хусусан, балиқчилик соҳасидаги муқаддам фаолият олиб борган ва бугунги кунда жамият унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланган “Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси” ДУК билан шартнома асосида иш олиб борганлиги, шартнома бўйича мажбуриятларини бажарган-бажармаганлиги, ижара шартномаси бўйича қарздорлиги мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

7. Корхона баланси (ўтган йил якуни ёки жорий йил якунидан чораси бўйича), яъни ўз маблағлари ва молиявий ҳолати тўғрисида маълумот;
8. Талабгорнинг табиатни муҳофаза қилиш бўйича чоратадбирлари комплекси.

Талабгордан юқорида кўзда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Танловда иштирок этиш учун қизиқиш билдирган юридик шахслар жамиятдан кўйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни олиши мумкин:

1. Танловда қатнашиш шартлари, талабгорлар томонидан тақдим этиладиган ҳужжат ва маълумотлар рўйхати;
2. Танловга қўйилган сув ҳавзаси участкаларига оид маълумотлар:
  - сув ҳавзаси участкаси (контури)нинг рақами;
  - жойлашган координатлари;
  - майдони;
  - харита-схемаси;
  - ўртача балиқ маҳсулдорлиги;
  - йиллик ижара ҳақи миқдори;

3. “Айдар-Арнасой кўллар тизими” участкаларини балиқ овлаш ҳўжалиқлариға балиқ етиштириш ва овлаш учун ижарага бериш шартнома лойиҳаси билан жамиятда танишиш мумкин.

Талабгорларнинг танлов таклифлари жойлашган конвертлар: 2025 йил 14-15 апрель кунлари соат 10.00 да Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Бешқувур кўчаси, 56-уйда жойлашган Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси маъмурий биносида очилади.



## Бюджет харажатлари ошди

АҚШ Молия вазирлиги томонидан эълон қилинган маълумотларда қайд этилишича, 2024 йил февраль билан таққослаганда бу йилги харажатлар 40 миллиард долларга, яъни 7 фоизга ошган.

Бу федерал бюджет харажатларини қисқартиришни мақсад қилган Илон Маск ҳамда у раҳбарлигидаги Ҳукумат самарадорлиги департаменти (DOGE) фаолияти даврида рўй бермоқда.

“Newsweek” нашрида ёзишларича, “DOGE” Дональд Трамп президентлигининг биринчи ойи якуни бўйича берган ҳисоботида 100 млрд. доллардан ортиқ маблағни тежашга муваффақ бўлгани кўрсатилган.

## 133 йил муқаддам чўкиб кетган кема қолдиқлари топилди

“Associated Press” мухбирининг хабар беришича, узунлиги 91 метрлик “Western Reserve” юк кемаси тўлиқ пўлатдан қурилган бўлиб, у сувдаги энг хавфсиз кемалардан бирига айланиши қўтилган эди.

Аммо 1892 йил 30 август кунини кема Юқори кўлдаги Уайтфилд кўрғазидан бўрон оқибатидаги тўқиланлар зарбиға дош бера олмай иккига бўлиниб кетган. Ва барча йўловчилар орасидан фақат рул бошқарувчиси омон қолган. 2024 йил июлда Буюк кўлар кема ҳалокатларини ўрганишчи олимлар кўплаб чўккан кемаларга дуч келди. Улардан бири технология хўҳатдан анча ривожланган бўлиб чиқди. “Western Reserve” кемаси жиддий шикастланган бўлса-да, унинг қолдиқлари совуқ чўк сувда яхши сақланиб қолган.

## Амазония тропик ўрмонларини кесиш бошланди

Ўрмонларни кесиш Бразилиянинг Белен шаҳрини 2025 йил ноябрь ойида ўтказиладиган “COP30” иқлим саммити ўтказиладиган жой билан боғловчи йўлни қуриш учун амалга оширилмоқда.

Маълумотларга кўра саммитда иштирок этиш учун 50 мингга яқин вакиллар ташриф буюради. Ёввойи ҳайвонлар учун махсус ўтиш йўлакларини ташкил этиш ваъда қилинган бўлса-да, маҳаллий аҳоли ва табиат ҳимоячилари норозилик билдирмоқда. Уларнинг фикрича, ўрмонни кесиш иқлим ўзгаришига қарши курашга бағишланадиган саммит руҳида зид.

Штат ҳукуматининг инфратузилма бўйича вакили Адлер Сивейра ушбу автомагистрални “COP30” доирасида ўтказиладиган тадбирлар учун амалга оширилади-ган 30 та лойиҳадан бири, деб атади.

## Китоб кутубхонага 99 йилдан сўнг қайтарилди

Нью-Жерсида яшовчи 81 ёшли Мери Купер 1926 йилда бобоси кутубхонадан олиб келган китобни топиб олди. Аёл китобни муассасага қайтарди, деб хабар бермоқда “CNN” мухбири.

Китоб ёғоч, металл ва маиший буюмлардан болалар ўйинчоқларини ясаш ҳақида бўлиб, 1911 йилда чоп этилган. Купернинг бобоси уни вафотидан бир йил олдин кутубхонадан олган. Мери Купер китобни кутубхонага қайтаришга қарор қилса-да, у китоб чекитирилгани учун жарима тўлаши мумкинлигидан хавотирланган. Муассаса тўлов талаб қилса, жарима миқдори 18 минг долларга етиши мумкин эди.

Китобни мамнуният билан қабул қилган кутубхона маъмурияти у Томс-Ривердаги эсдалик буюмлар кўрғазма-сидан жой олишини маълум қилди.

## Дунёнинг аксарият шаҳарларида ҳаво ифлосланган

“Associated Press” мухбири томонидан эълон қилинган мақолада таъкидланишича, дунё шаҳарларининг атиги 17 фоизи тегишли талабларга жавоб бера экан.

Гап шундаки, Швейцариядаги “IQAir” ҳаво сифатини мониторинг қилиш базаси дунёнинг 138 та давлатида жойлашган 40 мингта мониторинг станцияси маълумотларини таҳлил қилиб чиққан. Натижада ҳавоси энг ифлосланган шаҳарлар Чад, Конго, Бангладеш, Покистон ва Ҳиндистонда жойлашгани аниқланган. Экспертларнинг айтишларича, ҳавонинг ифлосланшига оид ҳақиқий кўрсаткичлар бундан анча юқори бўлиши мумкин.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра ифлосланган ҳаво оқибатида ҳар йили 7 миллионга яқин одамлар вафот этмоқда.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТУЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

## Нукус шаҳридаги Президент мактабида «Баҳор маликаси — 2025» танлови бўлиб ўтди.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 15 120 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:  
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик хўҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.  
Мусаҳҳих — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.05 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6